



ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ УЧУН ҚЎШИМЧА ИМКОНияТЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 18 июль куни озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, дунёда озиқ-овқат танқислиги кучайиб бормоқда. Экспортга қўйлаётган чекловлар ва транспорт-логистикадаги узилишлар муаммоларни янада чуқурлаштирмоқда. Таҳлилларга кўра, жорий йилда дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи камида 20 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.

Мамлакатимизда аҳоли даромадининг 40-50 фоизи озиқ-овқатга сарфланади. Шу боис, бундай маҳсулотларни кўпайтириб, нарх-навоининг аҳоли рўзгорига таъсирини юмшатиш чоралари кўрилмоқда.

Хусусан, йил бошида 80 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, аҳоли учун ажратилди. Одамларга уруғ, кўчат ва ўғитдан ёрдамлаштиш бўйича “Томорқа хизмати” йўлга қўйилди. Томорқаларда маҳсулот етиштириш учун жорий йилнинг ўзида 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар берилди.

Бундай имкониятлар натижасида маҳсулот кўпайиб, нархлар тартибга тушмоқда. Сўнгги бир ойда ички бозорда помидор нархи ўртача 3 бараварга, бодринг 10 фоизга, картошка 30 фоизга, сабзи 15 фоизга арзонлади. Бундан ташқари, 6 ойда 821 минг тонна ёки ўтган йилгига нисбатан 102 минг тонна кўп мева-сабзавот экспорт қилинди.

Яна бир муҳим томони, ушбу ажратилган ерларда 785 минг аҳолининг бандлиги таъминланди.

Йиғилишда туман ва маҳаллалардаги ижобий тажрибалар билан бирга камчиликлар ҳам очикча муҳокама қилинди.

Жумладан, 80 минг гектар ердан 16 минг гектари аҳолидан узоқ ва суғориш қийин жойда бўлгани сабабли эгасини топмагани айтилди. Шу боис, ҳокимларга бундай ерларни аҳоли учун қулай майдонларга алмаштириш топширилди.

Давлатимиз раҳбари аҳоли таклифлари асосида янги имкониятларни белгилаб берди. Йил якунигача яна 20 минг гектар, келгуси йилда 100 минг гектар экин майдони аҳоли учун ажратилиши таъкидланди. Шунда жами 200 минг гектар бўлади.

— Бу жуда катта имконият. Бу орқали қўшимча 1 миллион 200 минг аҳолини банд қилиш учун шароит яратилмоқда. Энг асосийси, агар туман ҳокими, ҳоким ёрдамчиси бу масалага ҳисоб-китоб билан ёндашса, озиқ-овқат ва ишсизлар масаласини бемалол ҳал қилса бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маҳсулот етиштириш ва сотишда аҳолига кўмаклашиш учун маҳаллаларга ҳосилдор уруғ ва кўчат етказиш, кичик ҳажмли музлаткичлар ўрнатиш, иссиқхоналарни кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Бугунги кунда 64 та туманда аҳоли ўз томорқасида 3 марта ҳосил олмақда. Ҳосил яхши бўлса, битта оила 60-100 миллион сўмгача даромад қилиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари бундай ишларни бошқа туманларда ҳам рағбатлантириш кераклигини таъкидлади.

Хусусан, сув таъминоти оғир маҳаллаларда катта қудуқ қазिश харажатлари учун ажратиладиган субсидия миқдори 150 миллион сўмгача оширилиши белгиланди. Кичик қудуқлар учун Қорақалпоғистонда 5 метрдан, қолган ҳудудларда 10 метрдан ортиқ чуқурлиқнинг ҳар бир метрига 100 минг сўмдан субсидия берилди.

Қудуқ қазिशга гидрогеологик хулосалар 2025 йилга қадар бепул берилди. Сув тежовчи технологиялар жорий этиш бўйича бериладиган субсидиялар деҳқон хўжаликларини учун ҳам татбиқ этилади.

Хўжаликларга халал бераётган яна бир муаммо шундаки, юртимизда 2 миллион 600 мингга хонадоннинг кадастр ҳужжатлари йўқ. Уларнинг эгалари томорқа учун кредит, субсидия ҳамда уйини кенгайтиришга ипотекадан фойдалана олмаётгани ҳақида Халқ қабулхоналарига кўлаб мурожаатлар тушмоқда.

Қолаверса, кадастри бўлмагани учун ер солиғи 3 қарра миқдорда ҳисобланмоқда.

Адлия вазирлигига кадастри йўқ хонадонлар масаласини узил-кесил ҳал қилиш учун алоҳида қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш топширилди. Янги қонун қабул қилинганга қадар, бу уйларга уч қарра оширилган солиқ қўллаш тўхтатиб турилади.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Ҳокимликларга июль ойи якунигача 820 минг гектар майдонда такрорий экинларни жойлаштириб, 11 миллион тонна маҳсулот етиштириш, келгуси йилгача етарли захира яратиш вазифаси қўйилди.

Маълумки, бу йилдан ғаллани етиштириш ва харид қилишни молиялаштириш бўйича янги тизим йўлга қўйилди. Фермерларга жозибадор нархлар таклиф этилгани ўз натижасини берди. Июлда биржага 88 минг тонна бугдой чиқарилгани ҳисобига, 1 тонна бугдойнинг ўртача нархи 30 фоизга арзонлашди.

Давлат ресурсига 1 миллион 842 минг тонна дон харид қилинди. Фермер ва кластерлар томонидан дон қорхоналарига 574 минг тонна ғалла сақлаш учун қўйилди.

Мутасаддиларга бу ғаллани биржага мунтазам чиқариб бориш ҳамда 1 октябргача фермер ва кластерлар билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президентимиз давлат идораларининг самарадорлиги ва ижро масъулиятини ошириш ҳақида гапирди.

— Самарқанд вилоятидаги ўрганишлар кўп камчиликларимизни кўрсатди. Олдимизда ҳали энг қийин ва оғир исплохотлар турибди. Ҳамма ўзгариши, иш услубини ҳам ўзгариши керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва ҳокимликлар ўз тузилмаси ва иш услубларини ўзгариши зарурлиги таъкидланди. Адлия вазирлигига қонунчиликни ихчамлаштириш, аҳоли ва тадбиркорларга қулайликларни ошириш бўйича кўрсатма берилди.

Ҳисоб палатасига маблағлар сарфи, айниқса, қурилишни молиялаштириш, субсидия ва компенсация ажратиш жараёнларини рақамлаштириш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари, ҳокимлар, маҳалла раислари ахборот берди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ОЛИЙ, ЎРТА МАХСУС ВА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ОЛИШЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Таълим ташкилотларида таҳсил олиш истидаги хотин-қизлар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг илмий салоҳияти ва малакасини тизимли ошириб боришни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87-сон фармонида мувофиқ, **2022/2023 ўқув йилидан бошлаб** республикадаги барча хусусий, хорижий ва давлат олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида кундузги, сиртқи ва кечки таълим шаклида хотин-қизларнинг тўлов-контракт асосида таҳсил олиши учун имтиёзли шартларда таълим кредитларини молиялаштириш мақсадида тижорат банкларига **Давлат бюджетдан маблағ ажратилишининг янги тизими** жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки: тижорат банклари Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилдиган депозит маблағлари ҳисобидан таълим кредитларини **14 фоиз ставкада** ажратади;

таълим кредитининг асосий қисми талабанинг расмий ўқиш муддати тугагандан сўнг **еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида** қайтарилади;

таълим кредити бўйича фоиз ставкаларини сўндириш Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан, уларни тижорат банкларига тўлаш орқали амалга оширилади;

таълим кредитини расмийлаштиришда ва унинг қайтарилишида талабанинг доимий даромад манбаига эга бўлган оила аъзолари ва бошқа учинчи шахс **биргаликда қарз олувчи сифатида** қатнашишига рухсат этилади;

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га кирган оилаларнинг хотин-қизларига ажратилдиган таълим кредитлари учун **гаров ва қафилликлар талаб этилмайди.**


2. Белгилаб қўйилсинки: Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банкларининг сўровларига асосан келгусида **14 фоиз**

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 18 июль

ЯНГИ ТИЗИМ САМАРАЛАРИ



ЛОЙИҲАЛАРНИ ИЛГАРИ
СУРИНГ ВА ҒОЛИБ БЎЛИНГ!



Жорий йил 15 июлдан “Ташаббусли бюджет” жараёнининг иккинчи мавсуми бошланди. Унинг доирасида фуқаролар томонидан илгари суриладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун республика бўйича қарийб 900 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши кўзда тутилмоқда. Амалдаги тамойилга кўра, киритилаётган таклифда кўрсатилган муаммо умумий характерга эга бўлиши ва ўзида шахсий эҳтиёж билан боғлиқ талабларни ақс эттирмаслиги лозим.

— Бу жараёнда ички йўлларни таъмирлаш, ичимлик сув таъминоти, ёритиш тизимини яхшилаш, ҳудудларни обodonлаштириш, оқова сув тизимини тартибга келтириш, болалар ёки спорт майдончаларини барпо этиш, ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш ёки моддий-техник базасини шакллантириш каби таклифлар инobatта олинади, — дейди Молия вазирлиги департамент бошлиғи Шерзод Мухаммадов. — Идоравий, яъни маҳаллий давлат ҳокимияти ва давлат органларининг бинолари ҳамда иншоотларини қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига, шу жумладан, уларнинг бошқа эҳтиёжларини қоплашга қаратилган ёки шахсий хусусиятга эга — турар жой харид қилиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашни ифода этган таклифлар инobatта олинмайди.

▶ Давоми 4-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА



МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРДА МАСЪУЛИЯТСИЗЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИБ БЎЛМАЙДИ

“Биз ўз олдимизга жамиятимизнинг янги қиёфасини яратиш, янги Ўзбекистонни барпо этиш масаласини стратегик вазифа сифатида қўйдик”. Президентимизнинг мана шу аниқ мақсади, халқимизнинг фаровон ҳаёти йўлида эзгу ҳаракатлар билан йўғрилган гапларини эслаганда, ҳар бир давлат хизматчиси ўз вазифасига масъулият билан ёндашиши шартлиги аёнлашади.

Шу аснода, ҳар бир мақсадни амалга оширишда стратегик ёндашув аҳамиятини тушунгимиз келади. Бу, албатта, аниқ мақсад ва узоқни кўра билиб иш қилиш маҳоратидир. Кейинги йилларда

нимаики ютуққа эришган, халқимиз турмуши фаровонлигини таъминлаган бўлсак, уларнинг замирида давлат раҳбарининг нуктадонлик билан юритаётган халқчил сиёсати турибди. Албатта, қонунларга итoат,

белгиланган мақсадларни ўз вақтида, бекаму кўст бажариш, ўз хизмат вазифасига сидқидилдан, фидойилик билан ёндашув принциплари бор.

▶ Давоми 3-бетда

КУН МАВЗУСИ

ЯГОНА ЎҚУВ ФОРМАСИ

ҲАР ТОМОНЛАМА
ҚУЛАЙ ВА ИЖТИМОИЙ
ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ



Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 майдаги “Давлат умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини замонавий ягона мактаб формаси билан таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, **2022/2023 ўқув йилидан бошлаб** давлат умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун ягона мактаб формаси тўлиқ жорий этилмоқда.

▶ Давоми 5-бетда



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбатдаги мажлисида “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги қонун ижроси бўйича Халқ таълими вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Жиззах вилояти ҳокимлиги томонидан амалга оширилаётган ишлар танқидий таҳлил қилинди.

Ушбу қонун билан қонунчилик ҳужжатларини тарқатишнинг яхлит тизимини шакллантириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, уларга оид расмий шарҳларни ижрочиларга етказиш, тушунтириш (тарғибот) ишларини олиб бориш ҳамда назорат қилиш тартиби белгиланган.

Раёсат мажлисида мазкур қонун ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги қарори билан ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасида “норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган — Адлия вазирлиги — вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари” технологик занжири асосида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларини ижрочиларга етказиб беришнинг яхлит механизми яратилгани қайд этилди. Уз навбатиди, Ўзбекистон Президентининг **2021 йил 10 февралдаги фармонида** ҳам қонунчилик ҳужжатларини ижрочиларга етказиш, мазмун-моҳиятини тушунтириш, ушбу йўналишда ҳодимларнинг профессионал билимини ошириш ишларини ташкил этиш масалаларига алоҳида урғу берилган.

Мажлис давомида 2021 йил ва 2022 йилнинг ўтган даври мобайнида вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳуқуқий тарғибот йўналишидаги фаолиятини электрон портал орқали мониторинг қилиш ва баҳолаш ҳамда ҳодимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида уларни ўқитиш ва баҳолаш юзасидан ҳукуматнинг бир қатор муҳим қарорлари қабул қилингани таъкидланди.

Бундан ташқари, мажлисда Адлия вазирлиги томонидан **90 дан ортиқ** давлат органи ва ташкилотининг 2021 йил давомида амалга оширган ҳуқуқий тарғибот йўналишидаги фаолияти мониторинг юритилгани ҳамда баҳолаб борилгани қайд этилди.

Хусусан, ушбу йўналишдаги баҳолаш якунларига кўра, ташкилотларнинг **45** фоизи “**ижобий**”, **31** фоизи “**қониқарли**” ва **24** фоизи “**салбий**” деб топилди.

2021 йил давомида **13 620** нафар (**26 та вазирлик ва идораларнинг 8 058** ҳамда **14 та маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг 5 562** нафар) ҳодимнинг ҳуқуқий саводхонлигини баҳолашдан ўтказиш якунлари қуйидагича: ҳодимларнинг **13 190** нафари ёки **96,9** фоизи — **ижобий** ва **430** нафари ёки **3,1** фоизи — **салбий**.

Раёсат мажлиси якунлари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан

тегишли чоралар белгиланди. Бунда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилди:

биринчи — вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ҳар битта қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари “**марказий аппарат — ҳудудий бошқармалар (вилоят даражасида) — ҳудудий бўлимлар (туман (шаҳар) даражасида) — тизим (соҳа, тармоқ) ташкилотлари**” технологик занжири асосида ижрочиларга ўз вақтида етказилиши, ҳуқуқий тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилиши ҳамда ушбу ҳужжатларнинг тегишли соҳа ва тармоқда тўғри ҳамда бир хилда қўлланилишини таъминлашга қаратилган ягона тизимни йўлга қўйиш;

иккинчи — қонун ва унинг ижроси юзасидан қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари талабларидан келиб чиқиб, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ўз ички идоравий ҳужжатларини (буйруқ, қарор ва б.) қайта кўриб чиқиш, ушбу соҳада идоравий ягона сиёсатни ўзида акс эттирувчи норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ва доимий равишда такомиллаштириб бориш;

учинчи — Адлия вазирлиги томонидан “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланиш соҳасининг вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликларда ижро интизомини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти” мавзусида **семинар-тренинглар ташкил этиш**;

тўртинчи — вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги ишларни **танқидий муҳокама қилиб боришнинг қуйидаги амалиётини йўлга қўйиш**;

чорак якуни бўйича ушбу ташкилотларнинг биринчи раҳбари ўринбосарлари ва тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарлари иштирокида **Вазирлар Маҳкамаси** аппаратининг масъул таркибий бўлинмасида;

ярим йиллик якуни бўйича ушбу ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари ва Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг масъул таркибий бўлинмалари раҳбарлари иштирокида **Ўзбекистон Республикаси** Бош вазирини ўринбосарлари ва Бош вазир маслаҳатчилари ҳузурда;

Мажлис якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг тегишли қарори қабул қилиниб, аниқланган тизимли камчиликларни бартараф этиш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди.

Мамлакатимизда Конституциямизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан ўтказилиши режалаштирилаётган референдумни миллий сайлов қонунчилиги ва умумэтироф этилган халқаро демократик тамойиллар асосида, юқори ташкилий даражада ўтказишга тайёргарлик авжида. Айни кунларда Марказий сайлов комиссияси ташаббуси билан жойларда Референдум ўтказувчи комиссия аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этиш концепцияси асосида ўқув-услубий тренинглар ташкил этилмоқда.

Ушбу ўқув тренинглар Давлат бошқаруви академияси, Тошкент давлат юридик университети, Бош прокуратура академияси, Жамоат хавфсизлиги университети профессор-ўқитувчилари ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мутахасссларидан иборат юқори малакали экспертлар томонидан ўтказилмоқда.



Марказий сайлов комиссияси раиси З. Низомхўжаев ва МСҚ аъзолари Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва бошқа вилоятларда бўлиб, жойларда ташкил этилаётган ўқув тренинглар жараёни билан танишди.

Учрашувларда референдумни миллий қонунчилик ва халқаро андозалар даражасида ташкил этиш учун, аввало, ушбу сиёсий тадбир ташкилотчиларидан пухта билим ва катта масъулият талаб этилиши алоҳида таъкидланди. Шу боис, ушбу



сиёсий тадбирга пухта тайёргарлик кўриш ва референдум комиссиялари аъзолигига номзодлар ва ташкилотчиларнинг сайлов қонунчилиги бўйича билимини ошириш мақсадида қарийб 1000 нафар ҳудудий тренер-

МСҚ аъзолари, шунингдек, Жиззах вилоятидаги намунавий жиҳозланган айрим референдум участкаларини бориб кўрди. У ерда овоз берувчилар, участка комиссиялари аъзолари ва кузатувчилар учун яратилган шароит билан танишди.

Самарқанд вилояти шаҳар ва туманларидаги 3 315 нафар участка комиссияси раислигига, раис ўринбосарлигига ҳамда котиблика номзодлар ҳудудлар кесимида кичик гуруҳларга ажралган ҳолда ўқитилиши режалаштирилган. Ҳозирги кунга қадар 982 нафар тинловчи ўқувни якунлаган ва уларнинг ўзлаштириш даражаси 95,1 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, МСҚ аъзолари семинар-тренингларда фойдаланилаётган ўқув-услубий дастурлар билан танишди, ўқув жараёнида тинловчиларга яратилган шароитлар ўрганилди. Тадбир иштирокчиларига референдум участка комиссияларини тузиш, фаолият давомида амалга оширилаётган энг муҳим вазифалари, референдум натижаларини аниқлаш ҳамда бу соҳага тааллуқли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш юзасидан маълумот берилди.

Мамлакатимиз бўйлаб давом этаётган ўқув машғулотлари интерактив усулда ташкил этилиб, иштирокчилар билан мулоқот, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш тарзида ўтказилиши йўлга қўйилган. Ҳар бир мавзу бўйича савол-жавоб, тест синавлари орқали тинловчилар билими мустаҳкамланмоқда. Марказий сайлов комиссияси томонидан тайёрланган видеодарслар ўқув жараёни самарадорлигини янада оширишга замин яратиши шубҳасиз.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

МУНОСАБАТ

САНЪАТ АҲЛИГА ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИНИ ОЧГАН ҲУЖЖАТ



Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
маданият вазири

Санъатсевар халқмиз. Байрамларимиз, тўй-томошаларимиз, қўйингки, ҳар қандай хурсандчилигимиз куй-қўшиқлардан ўтмайди. Шу боис, мамлакатимизда миллий санъатимизни ривожлантириш, ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Кейинги йилларда ёш иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз истеъдодини тўла намойиш қилиши учун кулай шароит яратилди. Ёши улуг устоз санъаткорларнинг ҳурмати жойига қўйилиб, уларни эъзозлаш ҳар қачонгидан ҳам

кучайди. Бундай эзгу ишлар замирида санъат ва маданият равнақи орқали халқимиз, айниқса, навқирон авлод маънавиятини юксалтиришдек улугвор мақсадлар муккасма экани ҳар биримизни қувонтиради.

Президентимизнинг 2022 йил 13 июлдаги “Концерт-томоша фаолиятини амалга оширувчи шахслардан давлат божини ундириш ҳамда уларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони соҳа ривожига янги имкониятларни белгилаб бериши билан аҳамиятлidir.

Қўпчиликка аён: санъаткорлардан давлат божини ундириш ва уларни солиққа тортиш шу вақтга қадар анчайин тартибсиз амалга ошириб келинди. Мазкур туловларнинг шахрларда фаолият юритаётган ижод аҳли даромадини ҳисобга олиб белгиланиши, яъни нисбатан юқори экани марказдан чекка ва олис ҳудудларда фаолият олиб бораётган соҳа вакилларига қийинчилик туғдирган. Бу эса уларнинг имкониятини чеклар, аксар ҳолларда ноқонуний фаолият юритишига олиб келарди. Шу маънода, қанчадан-қанча истеъдод соҳиблари лицензия ололмай, уздини қўрсатолмай, омадини бошқа йўналишлардан излагани бор гап.

Эндиликда бу борадаги оворагарчиликлар, қийинчиликлар, муаммолар бартараф этилди. Яъни мазкур фармон билан концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш лицензияси учун давлат божини ундириш ва ушбу лицензияга эга шахсларни солиққа тортиш тизими такомиллаштирилди. Санъаткорлар учун кулай ижодий муҳит яратилди.

Янги тартибга асосан, концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш лицензияси учун давлат божини сезиларли пасайтирилмоқда, солиқ миқдори камайтирилди. Концерт-томоша фаолиятини лицензия асосида амалга оширувчи ижрочиларнинг рейтинг гуруҳлари соддалаштирилиб, уларнинг сони олтиадан учтага қисқартирилди.

Ҳужжатда аҳолига концерт-томоша хизматларини кўрсатиш ҳуқуқи ижро-



2025 йил 1 январга қадар КОНЦЕРТ-ТОМОША
ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯ АСОСИДА АМАЛГА
ОШИРУВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР МЕҲНАТ
ШАРТНОМАСИ АСОСИДА БАНД БЎЛМАГАН ТАҚДИРДА,
УЛАРДАН КОНЦЕРТ-ТОМОША ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА
ИЖТИМОЙ СОЛИҚ БИР ЙИЛДА БАЗАВИЙ ҲИСОБЛАШ
МИҚДОРНИНГ БИР БАРАВАРИ МИҚДОРИДА
УНДИРИЛАДИ.

чиларнинг рейтинг гуруҳлари орасида қандай тақсимланиши алоҳида-алоҳида белгилаб қўйилди. Унга мувофиқ, биринчи рейтинг гуруҳи ижрочиларига республика ҳудудида ва унинг ташқарисида яқин ижодий рейтинг гуруҳлари ижрочилари учун назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиш имконияти берилмоқда.

Иккинчи рейтинг гуруҳи ижрочилари битта жанрнинг икки ва ундан кўп ижрочилари иштирокидаги концерт-то-

моша дастурида, турли жанрлар йўналишларининг бир неча ижрочилари иштирокидаги концерт-томоша дастурида қатнашиши, оммавий ахборот воситаларида қўшиқ ва видеоқлипларни тақдим этиши, учинчи рейтинг гуруҳи ижрочилари учун назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин.

Учинчи рейтинг гуруҳи ижрочилари тўй, юбилей ҳамда бошқа маросим ва тантаналарда, жумладан, тўйхона, ресторан, клуб, дискотека, бар ва

қаҳвахоналарда ҳамда хусусий уйларда концерт-томоша хизматларини кўрсатиш, созандалар, рақос ва рақосалар томонидан битта жанрнинг икки ҳамда ундан кўп ижрочилари иштирокидаги концерт-томоша дастурларини ташкил этиш ва уларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Ҳужжат билан давлат божини солиқ ставкалари пасайтирилгани соҳа вакиллари қувонтирган алоҳида жиҳат. Дунё тажрибасига ҳам эътибор берсак, бу борадаги тартиблар гоят содда ва илҳамдир. Бу яширин иқтисодиётни камайтиради. Ижод аҳлининг турли бюрократик тўсиқлар ва сансоларликларга дуч келишининг олдини олади.

Ўзбекистонда ҳам бу борада ташланган қадам хайрли бўлишига шубҳа йўқ. Эндиликда I рейтинг гуруҳи базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдорида, II рейтинг гуруҳи 10 баравари миқдорида, III рейтинг гуруҳи 3 баравари миқдорида давлат божини эга бўлган шахслар, ногиронлиги бўлганлар, талабаларнинг давлат божини тўлашдан бутунлай озод этилган эса инсонпарварлик сиёсатининг яна бир ифодаси бўлди.

Янги тартибга кўра, концерт-томоша фаолиятини лицензия асосида амалга оширувчи жисмоний шахсларга даромад солиғини декларация асосида ёки қатъий белгиланган миқдорда тўлаш ҳуқуқи берилмоқда. 2024 йил 1 январдан бошлаб хонандалардан, 2026 йил 1 январдан бошлаб қолган ижрочилардан даромад солиғи фақат декларация асосида ундирилади.

Шу вақтга қадар ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаб келган соҳа вакиллари эндиликда бир йилда бир маротаба фақат даромад солиғи тўлайди. Декларация асосида солиқ тўлашни танлаган ижрочилар учун йиллик умумий даромаднинг 30 фоизи миқдоридаги харажатлар тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмаган ҳолда чегирилади. Тасдиқланган харажатлар суммаси умумий даромаднинг 30 фоизидан

ошган тақдирда қўшимча равишда ушбу даромаднинг 10 фоизи миқдори чегирилади. Лицензия олиш учун ундирилган давлат божини ва ижтимоий солиқ суммалари харажат сифатида қайд этилади ҳамда даромадлар таркибидан чиқарилади.

Қатъий белгиланган миқдордаги солиқ тўлашни танлаган ижрочилардан даромад солиғи бир йилда бир марта I рейтинг гуруҳи ижрочиларидан 2,7 миллион сўм миқдорида, II рейтинг гуруҳи ижрочиларидан 1,8 миллион сўм миқдорида, III рейтинг гуруҳи ижрочиларидан бир миллион сўм миқдорда ундирилади. 2024 йил 1 январга қадар III рейтинг гуруҳи ижрочилари қатъий белгиланган миқдордаги солиқ тўлашдан озод этилади.

2025 йил 1 январга қадар концерт-томоша фаолиятини лицензия асосида амалга оширувчи жисмоний шахслар меҳнат шартномаси асосида банд бўлмаган тақдирда, улардан концерт-томоша фаолияти бўйича ижтимоий солиқ бир йилда базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида ундирилади.

Концерт-томоша фаолиятини лицензия асосида амалга оширувчи жисмоний шахсларнинг юридик шахсларга хизмат кўрсатишдан олган даромадларидан, улар томонидан танланган солиқ режимидан қатъи назар, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ тўлов манбаида ушлаб қолинади. Юридик шахс ташкил этган ҳолда, концерт-томоша фаолиятини лицензия асосида амалга оширувчи ижодий жамоалар жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ва ижтимоий солиқни юридик шахслар учун ўрнатилган тартибда тўлайди.

Фармон билан соҳада замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ҳам белгиланган. Бу ҳам санъат вакилларига қўлайлик яратади. Шу маънода, Президентимизнинг “Концерт-томоша фаолиятини амалга оширувчи шахслардан давлат божини ундириш ҳамда уларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони санъаткорларга кенг қўлайликлар яратиб, уларнинг ўз ишига иштиёқини, меҳрини янада оширади.

Уларни шу вақтга қадар бўлган турли сарсонгарчиликлар, бюрократик тартиблардан кутқаради. Бу ҳам бўлса, мамлакатимизда “Инсон қадри учун” деган эзгу тамойилнинг яна бир ҳаётий ифодаси десак, асло адашмаймиз.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРДА МАСЪУЛИЯТСИЗЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИБ БЎЛМАЙДИ



Бошланиши 1-бетда

Гап шу ҳақда кетганида, мамлакатимиздаги ислохотлар ва мислсиз ўзгаришлар ҳалқимиз ҳаётида акс этаётганини қуриб, дилимизда мамнулик туямиз. Бир даврлар куламас девор бўлиб кўринган муаммолар ўз ечимини топиб, янгидан-янги орзу-умидлар, мақсадларнинг қад ростлаши учун пойдевор яратилди.

Мавжуд жабҳаларнинг барчаси, аввало, ҳалқимизга хизмат қиладиган бутунлай янги босқичга олиб чиқилди. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари ҳалқимизга хизмат қилиши керак”, деган адолатли тамойилга асос солинди.

Одамлар ҳаёти тубдан ўзгарди, фаровонлик даражаси ошди, шаҳарлар, қишлоқлар қиёфаси ўзгача фусун касб этди. Халқ ва давлат орасида мулоқот йўлга қўйилди. Давлат идоралари, давлат хизматчиларининг аҳоли олдида масъулияти ортди.

Мазкур ютуқ ва юксак марраларнинг ҳар бири, аввало, бурчга садоқат, ижро интизомига принципиал ёндашувлар асосида бўй кўрсатди.

Бу улғувор жараёнда маънавий-маърифий ишлари янги босқичга олиб чиқиш бўйича ҳам улкан қадамлар ташланди. Жамиятда қарашлар ўзгарди: эркин фикр, эркин сўз, эркин ахборот макони юзага келди.

Юртимизда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш, янги маънавий макони қуришда “Янги Ўзбекистон орзуси”, “Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш” мақсади барчамизга янгича руҳ бағишламоқда.

Аммо маънавий-маърифий ишлар муайян бир даврда машғул бўлиб, кейин ўз ҳолига ташлаб қўйиладиган соҳа эмас. Юрт тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш борасида улкан мақсад ва вазифалар белгиланган экан, албатта, маънавий-маърифий соҳаларни юксалтириш биринчи галдаги вазифага айланади.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодийёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси — бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси — аждодаларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”.

Мустаҳкам пойдевор устида мустаҳкам иморат барпо бўлади. Шундай экан, аждодаларимиздан бизга қолдирилган бой маънавий мерос ҳалқимиз тафаккури ва маънавияти илдишларини озиклантириб туради, унга руҳий мадад ва яратувчи куч бахш этади.

Президентимизнинг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарориди мазкур йўналишда олдимизда турган муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Хусусан, “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш, оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбия узвийлигини таъминлаш маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган.

Шунингдек, тарғибот-ташвиқот ва тарбия йўналишларида ишларни илмий асосда ташкил этиш, соҳа бўйича илмий ва услубий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган доимий мониторинг тизимини жорий қилиш, эл-юрт тақдирига

лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, коррупция, оилавий қадриятларга бепасандлик ва ёшлар тарбиясига масъулиятсизлик каби иллатларга барҳам беришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳам юқоридagi вазифалар сирасига киради. Ахборот технологияларининг бемисл тараққиёти инсон ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Бутун оламни равшан кўрсатиб турган “ойнаи жаҳон” ҳаёт ва фаолиятимизнинг муҳим бўлагига айланди. Ундан оқиб келаётган ахборотлар таъсирида умргузаронлик қилмоқдамиз.

Шу боис, мазкур қарорда аҳолининг интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш маданиятини ошириш, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш борасидаги вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Маданият, адабиёт, кино, театр, мусиқа ва санъатнинг барча турлари, ноширлик-матбаа маҳсулотлари, оммавий ахборот воситаларида маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига эришиш билан четдан раҳна солаётган эл, бузғунчи ғоялар таъсиридан сақланамиз.

Маънавий-маърифий ишлар жараёнида геосийёси ва мафкуравий жараёнларни мунтазам ўрганиш, терроризм, экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси, нарқобизнес ва бошқа хатарли таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш ҳамда бу борада халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ҳамisha долзарб бўлиб қолади.

Мазкур улкан вазифаларни амалга ошириш учун ҳар бир давлатга ватанпарварлик билан, виждон амри ила ёндашиш, самарали қатъий ижронини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, интизомнинг ўзи ҳам маънавиятдир. Хўш, ўтган давр мобайнида белгилаб берилган вазифалар ижроси бўйича нималарга эришдик?

Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириб бориш мақсадида барча вазирлик ва идораларда Маънавият ва маърифат кенгашлари тузилди. Шунингдек, 102 та вазирлик, идора, уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўлимлари, туман ва шаҳар бў-

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги мажлиси баёни билан “Энг намунали туман”, “Энг намунали вазирлик ва идора” танловлари низомилари тасдиқланди. Шу асосда 2021 йилнинг июнь-август ойларида танлов иштирокчиларининг маънавий-маърифий йўналишдаги фаолияти ўрганилиб, ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Танлов ғолиблари “Дамас” автомобили ҳамда китоблар тўплами билан тақдирланди.

Президентимиз қарори асосида Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузурида Маънавият ва ижодий кўлаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси, Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти ташкил этилди. Соҳада илмий тадқиқот ишларини кучайтириш мақсадида 2022 йилдан Ижтимоий-



маънавий тадқиқотлар институти ҳузурида илмий даража берувчи илмий кенгаш иш бошлади.

Марказнинг ҳудудий бўлим ва бўлимчалари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида киритилган жами 303 (шундан ҳудудий бўлимларга 28 та, туман/шаҳар бўлимчаларига 275 та) қўшимча штат бирлиги тегишли мутахассислар билан тўлдирилди.

Қурилиш вазирлиги томонидан “Маънавият ва маърифат маскани”-

таълим йўналишлари ўқув режаларига бакалаврият босқичида “Маънавият-шунослик”, магистратура босқичида “Касбий маънавият” фанлари киритилди ҳамда магистратура таълим босқичида “PR менежмент ва PR таҳлил” мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда 2021 йилнинг 22-23 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар кесимида ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилар учун семинар-тренинг ташкил қилди. Унда тарғиботчилар фаолиятидаги муаммолар таҳлил қилиниб, услубий қўлланма, йиллик иш режа, ўқув материаллари намуналари яратилди.

Марказ томонидан Ёзувчилар уюшмаси, Маданият вазирлиги, Президент таълим муассасалари агентлиги билан ҳамкорликда ҳар ойда бир маротаба бу таълим муассасалари ўқувчилари ва таниқли ёзувчи-шоирлар, фан ва маданият арбоблари иштирокида учрашувлар ўтказиш, шунингдек, ижод мактабларида элга танилган актёр, адиб, режиссёр каби санъат вақилларини жалб қилиб, маҳорат дарсларини ўтказиш ҳамда “устоз-шогирд” аънаъаси асосида таълим-тарбия сифатини ошириш, “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендияси танловларини ташкил этишда ҳурматга сазовор бўлган ёзувчи ва шоирларни кенг жалб этиш тизими йўлга қўйилди.

Ёшлар ўртасида ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш бўйича давлат рамзлари қабул қилинган саналарни юртимизнинг барча ҳудудлари, шунингдек, хориждаги элчихоналаримиз, ватандошларимиз, кенг аҳоли вақиллари, давлат ва жамоат феоллари, ёшлар, маданият ва санъат намояндalари иштирокида катта байрам сифатида ўтказиш аънаъага айланди.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси борасидаги ишлар самараси ва таъ-



сирчанлигини ошириш бўйича Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги каби ташкилотлар билан ҳамкорлик дастурлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Темурбеклар мактаблари билан Республика Маънавият ва маърифат маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилди. Республика Маънавият ва маърифат маркази, Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия ўртасида Темурбеклар мактабларида Соҳибқирон Амир Темурунинг мардона руҳи, жасорати, саркардалик маҳорати, Ватанга бўлган буюк садоқати, юксак маънавий фазилатларини ёшлар онги ва қалбига сингдиришга қаратилган туркум тадбирларни ташкил этиш бўйича қўшма дастур тасдиқланди.

Жорий йилнинг 7-8 июнь кунлари Республика Маънавият ва маърифат маркази, Фанлар академияси Тарих институти, Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Миллий гвардиянинг қўшма қарорига асосан, Темурбеклар мактаби ва Ёш чегарачилар ҳарбий-академик лицейлари ўртасида “Янги Ўзбекистонга қанот бўламиз!” шиори остида “Энг намунали таълим муассасаси”, “Энг намунали ўқитувчи”, “Энг намунали ўқувчи” танловларининг республика босқичи ўтказилиб, ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Марказ ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпанияси, нодавлат телеканалларда 180 дан зиёд кўрсатув ва интервью эфирга узатилди. Марказда 15 та штат биригидан иборат Рақамли тарғибот бўлими ташкил этилиб, “Oyina.uz” электрон портали фаолияти йўлга қўйилди. 2022 йилда жадид маъ-

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТАЪБИРИ БИЛАН АЙТГАНДА, “АГАР ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ТАНАСИ ИҚТИСОДИЁТ БЎЛСА, УНИНГ ЖОНИ ВА РУҲИ МАЪНАВИЯТДИР. БИЗ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШГА ҚАРОР ҚИЛГАН ЭКАНМИЗ, ИККИТА МУСТАҲКАМ УСТУНГА ТАЯНАМИЗ. БИРИНЧИСИ — БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИГА АСОСЛАНГАН КУЧЛИ ИҚТИСОДИЁТ. ИККИНЧИСИ — АЖДОДАЛАРИМИЗНИНГ БОЙ МЕРОСИ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА АСОСЛАНГАН КУЧЛИ МАЪНАВИЯТ”. МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР УСТИДА МУСТАҲКАМ ИМОРАТ БАРПО БЎЛАДИ. ШУНДАЙ ЭКАН, АЖДОДАЛАРИМИЗДАН БИЗГА ҚОЛДИРИЛГАН БОЙ МАЪНАВИЙ МЕРОС ХАЛҚИМИЗ ТАФАККУРИ ВА МАЪНАВИЯТИ ИЛДИЗЛАРИНИ ОЗИҚЛАНТИРИБ ТУРАДИ, УНГА РУҲИЙ МАДАД ВА ЯРАТУВЧИ КУЧ БАХШ ЭТАДИ.

рифатпарварларининг 5 та китоби ва уларнинг аудионусхалари тайёрланиб, “Oyina.uz” электрон порталига жойлаштирилди.

Республиканинг барча ҳудудларида аънаванавий тарзда “Маънавият фестивали” ўтказиш йўлга қўйилди. Унда 18 та ижтимоий лойиҳа ва тарғибот акцияси ўтказилмоқда.

2021 йил 1 апрелдан бошлаб олий таълим муассасаларида ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор лавозими жорий этилди.

Иқтидорли ёшлар билан бирга, уларнинг ота-оналарига ҳам муносиб ҳурмат кўрсатиш мақсадида “Менинг фарзандим — Ўзбекистон фахри!” шиори остида республика анжумани ўтказиш йўлга қўйилиб, ўтган йили 70 нафар иқтидорли йигит-қиз ва уларнинг ота-оналари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

“Ватан тараққиётига менинг ҳиссам” лойиҳаси доирасида ташкил этилган танловларга жами 10 мингдан зиёд ижодий иш тақдим этилди. Мазкур ишлар ҳакамлар ҳайъати томонидан ўрганиб чиқилиб, жами 126 иқтидорли йигит-қизнинг ижодий ишлари сараланиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Илмий, ижодий, адабиёт ва санъат, ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича ўтказилган ушбу танлов доирасида 200 дан зиёд бадийи ва публицистик ижод намунаси, илмий мақолалар, замонавий медиа тарғибот лойиҳалари яратилди.

2022 йил июнь ойидан бошлаб ҳудудлар кесимида “Маънавият қарвони” — маданий-маърифий тарғибот тадбирларини ташкил этиш йўлга қўйилди. Бугунги кунгача Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида ўтказилган мазкур тадбирларда жами 1500 дан зиёд етакчи олим, маърифат тарғиботчиси, адабиёт, санъат соҳаси вақиллари жалб қилинди. Улар иштирокида барча маҳаллаларда маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, бадийи кечалар ўтказилди.

Бу аҳолига, оддий қўшқол одамларига нима берди, деган савол туғилиши табиий. Аввало, ислохотларни, халқлик катта сиёсатни одамларга яқинлашти-



ди. Олис, чекка ҳудудларда яшаётган одамлар ҳам Президент эътиборига эканини, унга давлатнинг ўзи ғамхўрлик қилаётганини яна бир бор ҳис этди. Шунингдек, маънавий юксалиш эпикнида жамиятдаги ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси кучайди. Санъат, адабиёт

намояндаларининг чиқишлари уларга янгича руҳ ва бунёдкорлик, шукроналик қайфияти бахш этди. Албатта, бу борадаги тадбирлар тизимли давом этади. 2021 йилнинг 19 январь куни ўтказилган йиғилишда Президентимиз: “Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Албатта, бу юксак ғоялар осмондан тушмаган. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган”, деган эди.

Бу нихоятда сермазмун ва ҳаётий кудратга эга мушоҳада замирида ҳам буюк келажакка асосни қўриш мумкин. Зеро, халқимиз тафаккурини озиклантириб, гурурлантириб турадиган тарихда халқимиз иродасини намоён этган улғу бобокалонларимиз бор. Албатта, бугунги маънавий-маърифий ишларни жадаллаштиришда уларнинг ҳаёти, илм йўли, ижоди, яратган асарлари, қолдирган улкан ва бой меросига таянамиз.

2021 йил 28-30 сентябрь кунлари Соҳибқирон Амир Темуру таваллудининг 685 йиллигига бағишлаб “Амир Темуру — дунё олимлари ва адблари нигоҳида” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда Франция, Германия, Россия, Туркия, Миср, Эрон, Покистон, Озарбайжон каби дунёнинг 14 давлатидан 17 хорижлик ва 60 дан зиёд маҳаллий олим қатнашди.

Буюк саркарда Жалолиддин Манғуберди жасорати, юрт озодлиги йўлидаги курашлари тарихини кенг тадқиқ этиш мақсадида “Жалолиддин Манғуберди изидан” илмий экспедицияси ташкил этилди. Ўрганишлар асосида ZOOM платформаси орқали Туркия, Покистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон тарихчи олимлари иштирокида дастлабки илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Қилинаётган ишларга қарамай, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги янгиланишлар жараёнида маънавий-маърифий ислохотлар самарадорлигига қўшқол бўлаётган қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Шундай экан, маънавий-маърифий ишларни амалга оширишда масъулият-

сизликка йўл қўйиб бўлмайди. Зеро, эзгулик, одамлилик, гуманизм ғоялари билан сугорилган янги маънавий макон яратишни мақсад қилган янги Ўзбекистонда ҳамма ҳаракатларимизнинг асоси фақат ва фақат халқимизни рози қилишга қаратилган.

Президентимиз “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида “Янги Ўзбекистон орзуси, бугунги кунларимизга нисбатан айтганда, ҳозирги даврнинг тақозоси, унинг асл қиёфасини, ҳаракатлантирувчи кучлари ва омиллари белгилайдиган ғоявий-маънавий асос, халқимизга ҳок эяратувчанлик шижоати ва кенг кўламли ислохотларимизнинг яққол ифодасидир”, деган эди. Мана шу гап ҳеч қачон ёдимиздан чиқмаслиги, ҳар бир бажараётган ишимизда дастуриламал бўлмоғи шарт. Шундагина биз кўзлаган мақсадларимизга, албатта, етамиз.

Минҳожиддин ҲОЖИМАТОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари,
Собир ШУКУРОВ,
Вазирлар Маҳкамасининг Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти мудир



Фарҳод ҚЎЗИЕВ,
Сув ҳўжалиги вазирлиги
бўшқарма бошлиғи

Сувнинг қадри ҳар қачон баланд бўлган. Лекин айни суғориш мавсумида уни тежаб-тергаб ишлатсак, асраб-авайласак, фермеру деҳқонларимизга ҳам, иқтисодийётимизга ҳам, умуман, барча учун катта наф. Шу маънода, мамлакатимизда сув ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар, тизимни модернизация қилиш бўйича қўрилаётган чоралар эътиборга молик.

Юртимиз аҳолисининг деярли кўпчилиги қишлоқда яшашини, республика аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи бевосита қишлоқ ҳўжалиги билан боғлиқ эканини инобатга олсак, ушбу йўналишдаги ишларнинг аҳамияти янада ортади.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида бу йил сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига камиди 7 миллиард метр куб обихаётни тежаш кўзда тутилган. Қолаверса, ушбу йўналишда алоҳида Концепция ва Стратегия ҳам қабул қилинган ишлар натижадорлигини оширишга хизмат қилади.

Суғориладиган ерларнинг ярми янги технологияга ўтказилади

Ўзбекистонда 2030 йилгача суғориладиган 4,3 миллион гектар ернинг 50 фоизида сув тежайдиган технологияларни жорий этиш мақсад қилинган ва эътиборлиси, бу борадаги ишларга аллақачон киришилган ҳам. 2019 йилдан бошлаб сув тежовчи технологияларни жорий этганларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми йўлга қўйилгани, субсидиялар ажратилаётгани кластер ҳамда фермер ҳўжаликларига рағбат бермоқда.

Рақамларни таҳлил қилидиган бўлсак, сўнгги беш йилда юртимизда 642 минг гектар майдонда тежамкор технологиялар жорий қилинди. Шундан томчилатиб суғориш 309 минг гектар, ёмғирлатиб суғориш 15 минг гектар, дискрет суғориш (пульсар) 11 минг гектар ҳамда 99 минг гектар бошқа суғориш тизимларидан иборат. Бундан ташқари, 209 минг гектар ер лазерли ускуна ёрдамида текисланган.

2021 йилнинг ўзида сувни тежайдиган технологиялар 533 минг гектар майдонда жорий этилди ва уларнинг умумий кўрсаткичи суғориладиган майдонларнинг 17 фоизини ташкил қилди.

Айтиш жоизки, субсидиялар ажратиш йилдан-йилга такомиллаштириб боришмоқда. Натижада бундай технологияларни жорий қилган қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига 2019 йилда 137,9 миллиард сўм, 2020 йилда 251,6 миллиард сўм субсидия ажратилган. 2021 йилдан бошлаб эса давлат бюджетидан бериладиган субсидиялар микдорини технологиянинг сифат кўрсаткичидан келиб чиққан ҳолда, ҳисоблаш тартиби белгиланди ҳамда бир йилда 899,4 миллиард сўм, жумладан, пахта майдонларида жорий қилинган технологиялар учун 754,4 миллиард сўм субсидия ажратиб берилди.

Президентимизнинг 2022 йил 1 мартдаги “Қишлоқ ҳўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди ҳам бир қатор аниқликлар акс этди. Унга кўра, замонавий иш услуби, биринчи навбатда, “бир канал — бир тизим” тамойили асосида йирик сув узатиш



тармоқларининг бошида қўлланилмоқда. Шунингдек, экин майдонлари инфратузилмасидан келиб чиқиб, узлуқсиз электр энергияси ва сув билан таъминлаш имкони мавжудлиги эътиборга олинган.

2022 йилдан бошлаб тежамкор технологиялар харажатларининг бир қисmini қоплаш учун ажратиладиган субсидиялар микдори ўрнатилаётган тизимнинг сифатидан келиб чиқиб белгиланган. Шу билан бирга, ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 50 фоизи тизим жорий қилинган йили ажратилади. Қолган ярми эса келгуси йили ҳосилдорлик ошиши ва ускуналарнинг ишлатилишига қараб берилади. Яна қўшимча 20 фоиз унчини йилда юқори ҳосилдорликни сақлаб қолган пахта, ғалла ва мева-сабзавотчилик кластерларига тўлаб берилади.

Бу каби суғориш тизимларини харид қилиш ва қуришга ажратиладиган банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар бериш тартиби эса сақлаб қолинган.

Қарор доирасида ажратиладиган барча субсидия маблағлари суғориш тизимлари қамиди беш йил ишлатилиши шарти билан берилиши қатъий белгилаб қўйилди.

Муҳим жиҳатлардан яна бири, бундай ишланмалар қўлланилган майдонлар қамиди 5 йил мобайнида мақбуллаштирилмайди. Ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйили-

шига ердан фойдаланувчи розилиги асосида сарф этилган маблағларнинг бозор қиймати ҳамда олиб қўйиш сабабли етказилган зарарининг ўрни тўлиқ қопланганидан сўнггина рухсат этилади.

Қарорга биноан, тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда барча қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар учун ахборот алмашинувининг шаффоф механизмини йўлга қўйиш мақсадида ўтган йилларда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш ишларини сифатли амалга оширган ҳамда бозор иқтисодиётида эркин рақобат талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган “Томчи-реестр” пудрат корхоналарининг ягона электрон реестри ишлаб чиқилиб, ишга туширилди. Бугунги кунда ушбу платформага 200 дан ортиқ қурувчи-пудрат корхоналари тегишли ҳужжатларни онлайн шаклда киритган.

Шунингдек, қурувчи-пудрат корхоналари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига илмий-тадқиқот институтлари билан шартнома расмийлаштирган ҳолда техник хулоса олиш йўлга қўйилди.

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда сув сарфини қамайтйрувчи технологияларни татбиқ этган ишлаб чиқарувчиларга субсидиялар бериш юзасидан тегишли материалларни тўплаш, қўриб қиқиш ҳамда ваколатли орган ва ташкилотлар билан қелишишнинг “Agro-subsidiya” ягона ахборот тизими ҳам амалиётга киритилди.

2,3 миллиард куб метрдан ортиқ обихаёт тежалди

Сув тежовчи технологияларнинг афзаллиги бугун тарғиботга муҳтож эмас. Уни ҳамма билади. Чунки бу ҳақда жуда кўп гапирилмоқда, ёзилмоқда. Шунинг учун ортиқча таърифлаб ўтириш, тарғиб қилишга эҳтиёж йўқ. Ҳисоб-китобларга қараганда, 2021 йилда сувни тежовчи технологиялар ўрнатилган майдонларда жами 2,3 миллиард куб метрдан ортиқ обихаёт тежалган. Таққослайдиган бўлсак, бу ўртача битта вилоят бир йил давомида оладиган сув микдорига тенг.

Бундан ташқари, 2019 йилда мамлакатимизда ушбу йўналишдаги корхоналар бармоқ билан санарли бўлгани учун 90 фоиз ускуна ва бутловчи қисмлар хорижий давлатлардан келтирилган. Қолаверса, ўша йиллари фермер ҳўжаликлари томчилатиб суғориш тизими учун маблағни олдиндан тўлиқ тўлаб қўйиб ҳам, уни 70-80 кун қутарди.

Бугунги кунда эса йирик пахта-тўқима-чилик кластер корхоналари зарур технологияларни ўзимизда ишлаб чиқармоқда. Масалан, Бухородаги “Мергантекс” ҳамда “Agrocluster” кластер корхоналари томонидан томчилатиб суғориш технологияси тўлиқ маҳаллий шароитда тайёрланган. Ҳозирга келиб бундай корхоналар сони 45 тага етди ва улар томонидан олдиндан 30 фоиз тўловни амалга оширган фермер ҳўжаликларига технология тўлиқ ўрнатиб берилмоқда.

Ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштирилиши ҳисобига бир гектар учун маҳсулот таннарни 25 миллион сўмдан 20 миллион сўмгача арзонлаштирилгани туфайли биргина 2021 йилги мавсумда қарийб 175 миллиард сўм маблағ қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчилари ёнида қолди.

Худудларда ўтган йилларда фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган (бир йиллик) томизгичли шлангларни утилизация қилиш ҳамда савдо шохобчалари ва қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига сервис хизмат кўрсатиш марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда тизимда қадрларга эҳтиёж ҳам ортмоқда. Бу борада сув ҳўжалиги вазирлиги билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган. Университетда “Сув тежамкор суғориш технологиялари” бўйича магистратура мутахассислиги ва

“Сув ҳўжалигида инновацион технологиялар ва улардан фойдаланиш” бакалавр таълим йўналишлари ташкил этилди. Сув ҳўжалиги вазирлиги тасарруфидидаги коллежларда “Сув тежовчи суғориш тизимида хизмат кўрсатиш техниги” йўналиши ташкил этилиб, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Сўнгги бир йилда университет билан ҳамкорликда сув ҳўжалиги соҳасидаги 5 минг 500 нафар раҳбар-ҳодимнинг, шундан 2 минг 777 нафари сувдан фойдаланиш ва сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилиш йўналиши бўйича малакаси оширилди.

Жорий йилда йирик сув узатиш ва сув чиқариш тармоқларининг бош қисмида, “бир канал — бир тизим” тамойили асосида 230 минг гектар, шу жумладан, 160 минг гектар пахта хомашёси етиштириладиган майдонларда томчилатиб суғориш, 28 минг гектар майдонда ёмғирлатиб суғориш, 2 минг гектар қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларида дискретли суғориш тизимларини қўллаш ҳамда 218 минг гектар экин майдонини лазерли ускуна ёрдамида текислаш бўйича манзилли рўйхатлар шакллантирилди. 7 минг 766 та қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчининг 339 минг гектар майдонда томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича қурувчи-пудрат ташкилотлари билан шартномалар расмийлаштирилган.

Ҳозир республикаимиз бўйича жами 95,5 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар, шундан 84,1 минг гектар майдонда томчилатиб ва 11,5 минг гектар майдонда эса ёмғирлатиб суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда.

Вазирлиқнинг қўйи тизим ташкилотларидан жами 6 мингдан зиёд ишчи-ҳодимдан иборат 300 та қурилиш ва сервис хизматлари ташкил этилиб, улар томонидан фермер ва кластерларга яқиндан амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, олдинги йилларда бошланган ва ўз самарасини берган тизим — сувни тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда. Бу йил 478 минг гектар майдонда самарали тизим жорий қилиш белгиланган. Натижада йил якунига бориб, республикаимизнинг суғориладиган экин майдонларида сув тежовчи технологиялар жорий этилиши 27 фоизга етказилади.

ЯНГИ ТИЗИМ САМАРАЛАРИ

ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ:

ЛОЙИҲАЛАРНИ ИЛГАРИ СУРИНГ ВА ҒОЛИБ БЎЛИНГ!

Бошланиши 1-бетда

Бундан ташқари, ҳар бир фуқаро бевосита ўзи истаган манзил (ўзи истикомат қилмайдиган ёки яшаш манзили умуман бошқа ҳудуд) бўйича иштирок этиб, ташаббускор бўлиши мумкин. Бу эса маълум бир тақлиф ғолиб деб топилиши учун айнан ўша манзилда истикомат қиладиган ёки рўйхатдан ўтган фуқаролар иштирок этиши лозим, деган чекловни рад этади. Аммо бир фуқаро фақатгина битта лойиҳани қўллаб-қувватлай олади. Хусусан, Хоразмда яшовчи инсон Фарғонанинг бирор ҳудудидида боғча қурилишини ёқлаб овоз берган бўлса, у бошқа лойиҳалар учун овоз бера олмайди.

“Ташаббусли бюджет” жараёнлари ҳар йили икки марта, 3 босқичда амалга оширилади. Ҳар бир мавсумнинг дастлабки босқичида фуқаролар лойиҳалар бўйича ўз тақлифларини илгари суради, иккинчисида билдирилган тақлифлар модерация жараёнидан ўтказилади. Учинчисида сараланган тақлифлар овоз бериш жараёнига қўйилади. Унинг якунларига кўра, “Очиқ бюджет” ахборот портали автоматик равишда ҳар бир ҳудуд бўйича энг кўп овоз тўплаган тақлифлар асосида ғолиб лойиҳаларни аниқлайди.


2022 йилда “Ташаббусли бюджет” лойиҳаларини молиялаштириш мақсада-лари учун йўналтириладиган маблағлар микдори 4 баробарга оширилди. Туман, шаҳарларда тасдиқланган бюджетлардан ажратилган 5 фоиз маблағнинг ўзи 1,5 триллион сўмдан ортиқроқини ташкил этди. Бундан ташқари, қўшимча манбаларнинг 30 фоизи ҳам ташаббусли бюджет учун йўналтирилади.

— Юртдошларимизнинг мазкур жараёндаги иштироки тобора фаоллашиб борапти, — дейди Молия вазирлиги бўлим бошлиғи Азимжон Ҳасанов. — Агар ўтган йили ижтимоий лойиҳаларга 1 миллиондан ортиқ овоз берилган бўлса, жорий йилда ўтказилган дастлабки босқичда ушбу кўрсаткич беш баробарга ортди, яъни овозлар сони 6 миллион 700 мингдан зиёд бўлди.

Яна бир муҳим жиҳати, ўтган йили 41 мингта тақлиф билдирилган бўлса, бу йил улар сони 69 минг 700 дан ортиб кетди. Ҳудудий ички комиссиялар томонидан саралаб олиш натижасида уларнинг 40 мингдан ортиғи овоз бериш босқичига ўтказилди. Энг кўп овоз олган 2 минг 215 тақлиф ғолиб деб топилди.

Президентимизнинг жорий йил 7 апрелдаги “Туман ва шаҳар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш жараёнларида фуқароларнинг иштирокини янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, шу йилнинг февраль-март ойлари давомида ўтказилган “Ташаббусли бюджет” жараёнларида фуқароларнинг фаол иштироки қайд этилган ҳолда, ғолиб деб топилган 2 минг 215 та лойиҳага қўшимча ҳар бири 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган 139 та лойиҳани амалга ошириш учун республика бюджетидан 85,4 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Қарорда наинки қўшимча равишда киритилган, балки ҳар йили ғолиб деб топилган лойиҳаларни амалга ошириш



бўйича қатъий вазифалар белгиланган. Яъни халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари — ҳар чорак якуни бўйича жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни ўз вақтида молиялаштирилиши ва бажарилишини баҳолаб боради, мазкур тадбирларнинг бажарилиши юзасидан ҳокимларнинг ҳисоботлари Олий Мажлис Сенатида ҳар чорак якунида эшитилиши йўлга қўйилади. Ғолиб деб топилган лойиҳаларнинг бажарилишини Молия вазирлиғи ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ҳар йили якунларга кўра, назоратдан ўтказида.

— “Ташаббусли бюджет”нинг жорий йилдаги иккинчи мавсуми кеча старт олди, — дейди Азимжон Ҳасанов. — Унда ҳам мамлакатимизда яшовчи ҳар бир фуқаро ташаббускор ва овоз берувчи бўлиб иштирок этиши мумкин. Биринчи мавсумда иштирок этган ва етарли овоз тўплай олмаган лойиҳалар долзарблигини йўқотмаган бўлса,

иккинчи мавсумда такроран илгари суриш имконияти бор.

Фуқаролар томонидан берилган тақлиф ва мулоҳазалар асосида “Ташаббусли бюджет” жараёнини ўтказишнинг амалдаги тартибига айрим тузатиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, эндиликда ҳар бир босқич 20 кундан — жами 60 кун давом этади. Шунга кўра, “Ташаббусли бюджет” жараёнининг 2-мавсуми:

1-босқич — тақлифларни илгари суриш — 15 июлдан — 3 августгача (Қорақалпоғистон Республикасида — 15 августдан — 4 сентябргача);

2-босқич — лойиҳаларни саралаб олиш — 4 августдан — 23 августгача (Қорақалпоғистон Республикасида — 4 сентябрдан — 24 сентябргача);

3-босқич лойиҳаларга овоз бериш — 24 августдан — 12 сентябргача (Қорақалпоғистон Республикасида — 24 сентябрдан — 14 октябргача) давом этади.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2018 йилдаги “Бюджет маълумотларининг очикчилигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, “Очиқ бюджет” ахборот портали ишга туширилган эди.

Портал орқали фуқаролар нафақат бюджет маълумотлари билан танишиб бориши, балки бу жараёнда бевосита иштирок этган ҳолда, ўзларини қийнаб келаятган масалаларни ҳал қилиш учун тегишли маблағларни талаб қилиш имконияти яратилди. 2019-2020 йиллар давомида ўтказилган ташаббусли бюджет жараёни-ларида фуқаролар томонидан жами 230 мингта яқин тақлиф ва овозлар билдирилиб, бунинг натижасида жами 245,1 миллиард сўм маблағлар жойлардаги муаммоларни бевосита ҳал қилиш учун йўналтирилди.

Президентимизнинг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан эса бу борадаги механизм янада такомиллаштирилди. Хусусан, аҳолини кенг жалб қилиш, мавжуд муаммоларга айнан ўзларининг ташаббуслари асосида ечим топиш имкониятини яратиш мақсадида ўтган йилдан бошлаб туман ва шаҳар бюджетлари харажатларининг 5 фоизи бевосита фуқаролар томонидан билдирилган тақлифларга йўналтирилиши белгилан қўйилди.

Бундан ташқари, жойларда фуқароларни қийнаб келаётган муаммоларни

айнан уларнинг ташаббуслари асосида ечиш имкониятини яратиш мақсада-рига ажратилаётган қўшимча даромадларнинг 10 фоизлик микдори 30 фоизга кўтарилди.

Яна бир муҳим жиҳат: 2022 йилдан бошлаб туман ва шаҳарлар бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг 50 фоизи “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўлларни таъмирлашга йўналтириладиган бўлди. Бу жараён ҳар йили бир мартаба ўтказилади.

“Менинг йўлим”, деб аталувчи мазкур лойиҳа учун 2022 йилда 271 миллиард 71 миллион сўм маблағ ажратилиб, тақлифлар 4 апрелдан 20 апрелгача қабул қилинди. Унинг дастлабки босқичи якунларига кўра, мамлакатимиз бўйича жами 9 минг 212 та лойиҳа илгари сурилди. Ушбу лойиҳаларда кўзда тутилган йўлларнинг умумий узунлиги 26,7 минг километрини ташкил этди.

Молия вазирлиги жорий йил 15 июлдан “Ташаббусли бюджет”нинг иккинчи мавсуми бошланиши муносабати билан фуқароларга мурожаат этар экан, ушбу жараёнда фаол иштирок этган ҳолда, ўз ҳудудларида мавжуд муаммолар бартараф этилишига хисса қўшишга, ташаббус кўрсатишга даъват этади.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

КУН МАВЗУСИ

ЯГОНА ЎҚУВ ФОРМАСИ

ҲАР ТОМОНЛАМА ҚУЛАЙ ВА ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Бошланиши 1-бетда

Халқ таълими вазирлиги ҳамда “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси ҳамкорлигида Наманган шаҳридаги “Даштбоғ” кичик саноат зонасида ОАВ вакиллари умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун замонавий ягона мактаб формасини тайёрлаш бўйича фаолият олиб бораётган тикувчилик корхоналари иш жараёни билан яқиндан танишди.

Даштбоғ маҳалласида барпо этилган кичик саноат зонаси ҳудудидаги тикувчиликка ихтисослашган “Mustaf Seving” ҳамда “Saxiy Mirzo tekstil” масъулияти чекланган жамиятлари асосий манзил бўлди. Иштирокчиларнинг мактаб формасини барча умумтаълим муассасаси ўқувчилари учун бирдек жорий этиш зарурати, жараёни амалга ошириш механизмлари, шунингдек, либосларнинг сифат кўрсаткичлари ва белгиланган стандарт меъёрларига мослиги тўғрисидаги саволларига мутасаддилар ва мутахассислар атрофлича жавоб берди.

— Бугунга қадар Халқ таълими вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда мактаб формаларига бўлган эҳтиёж ўрганиб чиқилди, — дейди вазирлик ахборот хизмати раҳбари Лайло Рустамова. — Яқуний маълумотларга кўра, янги ўқув йилида ҳудудлар бўйича 6 миллион 620 минг нафар ўқувчи учун мактаб формасига эҳтиёж мавжудлиги аниқланди. Дастлаб “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси томонидан юртимиздаги барча тўқимачилик корхоналарининг салоҳияти ва имконияти ўрганиб чиқилди. Шундан сўнг 500 дан ортиқ турли иш кўламига эга ишлаб чиқариш корхоналари танланди. Айни ҳафтада мазкур тикувчилик марказларида мактаб формаларини тайёрлаш ишлари белгиланган тартиб ва стандартлар асосида изчил амалга оширилмоқда.

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг дизайнерлик ишланмаларини жорий этиш бўлими бошлиғи Камола Ғуломованинг айтишича, 2018 йил февраль ойида элликдан ортиқ дизайндаги формалар орасидан ўнтаси танлаб олиниб, мамлакат бўйича қишлоқ (Сирдарёда) ва шаҳар шароитида (Тошкентда) синалган. Ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ўртасида сўровномалар ўтказилган.

Биринчи галда мактаб формаларининг болалар саломатлиги учун зарарсиз бўлишига эътибор қаратилган. Тасдиқланган талабларга мувофиқ, кўйи синф ўқувчиларининг кийимида 35, юқори синф ўқувчилари кийимида эса 50 фоизгача сунъий мато ва толалар қўлланиши мумкин.

Тадбиркор-чевар Собитхон Мирзаев раҳбарлик қилаётган “Saxiy Mirzo tekstil” МЧЖда 50 нафарга яқин ишчи меҳнат

билан банд. Улар ҳозир 1–6-синф ўқувчиларига мўлжалланган ўқув формасини тикмоқда. Маҳсулот учун Хитойдан келтирилган ва ўзимизда ишлаб чиқарилган матолардан фойдаланилган. Бир кунда 100-130 дона мактаб формаси жамланмаси (костюм, камзул, нимча, шим ва кофта-юбкадан иборат) ишлаб чиқарилмоқда. Битта маҳсулотнинг таннарихи 150 минг сўм. Дўконларда 200 минг сўмгача сотилади.

— Энгимдаги мактаб формаси менга жуда ёқади. Аввалгисидан афзал томонлари кўп, — дейди Наманган шаҳридаги 82-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Шахриёр Маматхонов. — Бу йил учинчи марта кийишим. Чунки мен ўқибётган мактабда ягона ўқув формаси 2020 йилдан жорий этилган. Ўшбу ўқув формасида ўзимни яхши ҳис қиламан, партада ўтирганимда эркин ёзаман ва юрганимда ҳам бемалол ҳаракатланаман. Мухими, бир хил қиёфадаги форма синфдошларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларда кимнидир алоҳида тоифага ажратиб қўймайди.

— Ҳукуматнинг мазкур қарориди умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг кийиниш маданияти ва тартиб-интизомга амал қилиш кўникмасини мустаҳкамлаш, саломатлигини муҳофаза қилиш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш, мактаб формасининг афзалликлари, ўқувчи маънавияти, маданияти, таълим жараёнидаги иштироки ва ўзлаштириши тўлиқ ўз ифодасини топан, — дейди Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи Жамолiddин Фозилов. — Шу асосда ягона мактаб формасининг

афзалликлари, ўқувчи дунёқараши ва таълим жараёнидаги аҳамияти ҳақида видеороликлар узатилмоқда. Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда тегишли ташкилотлар томонидан мактаб формасининг белгиланган стандартларга, санитария қоидалари ва гигиена нормативларига мувофиқлиги, сифатли тўқимачилик таълим муассасаларидан тайёрланиши бўйича доимий назорат ўрнатилган. Дарвоқе, вазирлик ишлаб чиқарувчиларнинг нарх сиёсатига аралашмайди, улар ўз

харажати ва мавжуд талабдан келиб чиқиб, мактаб формаси учун қиймат белгилайди.

Қарор ижросини таъминлаш учун ҳозир Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан 276 та корхона таъминотчи сифатида танланган. “Saodat Sanoat Servis” МЧЖ улар орасида етакчи. Янги ўқув йили арафасида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида, ихтисослаштирилган савдо мажмуалари, шаҳар ва туманлар марказида “Мактаб ярмаркаси” ташкил этилади. Сотувдаги буюмлар орасидан ягона мактаб формаси ҳам ўрин олади.

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси Наманган филиали раҳбари Нуриддин Бобоевнинг қайд этишича, вилоятда мактаб формасига ихтисослашган уч юзга яқин тикув-трикотаж корхонаси ойига 2 миллион дона шундай маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати эга. Мактаб ярмаркалари учун 1 миллион дона мактаб формаси захираси ҳамда ҳатто бошқа вилоятларга ҳам етказиб бериш салоҳияти мавжуд. Бу борада вилоятда ўзига хос тажриба тўпланган.

— Ягона ўқув формасининг афзалликлари кўп, — дейди Ўйчи туманидан келган тадбиркор Дилдора Мамажонова. — Хусусан, бошланғич ва

юқори синф ўқувчилари (қиз ва ўғил болалар)га мўлжалланган намунавий либосни куз ва баҳор ҳамда қиш мавсумига мослаштириш, белини кенгайтириш ва торайтириш мумкин. Кийим таркиби пахта (65 фоиз) ва синтетик (ранги узоқ сақланиши учун қўшилади) матодан тикилган.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатлами вакиллари фарзандларини мактаб формалари билан таъминлаш ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳудудий ҳокимликлар томонидан қатор муҳим чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Жумладан, 2022-2023 ўқув йилида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳамда уч турдаги махсус дафтарлар жамғармалари маблағлари ҳисобидан 400 мингдан ортиқ эҳтиёжманд оила фарзанди учун мактаб формасини сотиб олишга қўмаклашиш режалаштирилган.

Қолаверса, шу йил 10 августдан бошлаб туман ва шаҳар марказларидаги аҳолига қулай жойларда, бевосита таълим муассасаларининг ўзиди, мактаб формасини ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг савдо шохобчаларида мактаб формалари сотуви йўлга қўйилди.

— Янги ўқув йилида Наманган вилоятидаги умумтаълим мактабларида таълим олиши қутилаётган 536 минг 203 нафар ўқувчининг оилавий ҳолати ўрганиб чиқилди, — дейди Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси ахборот хизмати раҳбари Асмонур Режаббоева. — Таҳлил яқунларига кўра, 13 минг 584 ўқувчининг ота-онаси болаларини мактаб формаси билан таъминлашда молиявий муаммо қаршисида турибди. Уларга Вазирлар Маҳкамасининг

тегишли қарориди кўзда тутилганидек, маҳаллий бюджет ҳисобидан маблағ ажратилиб, ўқув либослари бепул топширилади.

— Кенг татбиқ этилаётган ягона ўқув формаси бизга маъқул, — дейди уй бекаси Дилбар Раҳимова. — Нархи арзон, сифати ҳам кўнглидагидек. Барча фаслда кийилаверади. Матоси осонликча гижим бўлмайди, дазмолланиши ҳам осон, бурчак ва қирралари йўқ, ювишга чидамли, ранги ўчиб кетмайди. Намунадаги формани бозордан сотиб олишимиз ёки чеварларга буюртма қилишимиз билан боғлиқ шахсий танлов ўзимизда.

Мухтасар айтганда, ягона мактаб формаси ўқувчилар ўртасида ҳар жиҳатдан ижтимоий тенгликни мустаҳкамлаш билан бирга, сифатли таълим-тарбия олишга хизмат қилади.

Орифжон ЖўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



НУҚТАИ НАЗАР

СИФАТГА МОНАНД ҚАМРОВ, ИСТЕЪДОДГА МУНОСИБ ШАРОИТ



Савара МАҲМУДОВА,
Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика “Барқамол авлод” болалар мактаби директори

“Янги Ўзбекистон” боғида Ёшлар кўни муносабати билан ташкил этилган тадбирда мен ҳам қатнашдим. Тадбирда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлагани ёшларга ўзгача руҳият бағишлагани, йигит-қизларда ўзига нисбатан ишончни янада мустаҳкамлаганига бевосита гувоҳ бўлдим.

Президентимиз мамлакатимизда ёшлар билан боғлиқ қилинган ва қилинаётган ишлар, келгуси режалар ҳусусида далил ва аниқ рақамлар асосида гапирди. Чунки улар давлат ва жамиятнинг келажиги, бошланган улкан ишлар ва слоҳотларнинг иштирокчиси ва давомчисидир. Бошланган барча ишлар самараси бевосита уларга, йигит-қизларнинг билими, салоҳияти ва интилишига боғлиқ.

Президентимиз ёшлар билан боғлиқ масала ва муаммоларнинг асосий йўналишларига тўхталиб, уларнинг ечимини, молиявий манбаларигача кўрсатиб, белгилаб берди. Бу нимадан далолат? Бу, аввало, билдирилаётган ташаббус ва ғоялар қўғозда қолиб кетадиган гап эмас, балки рўёбга чиқиши шубҳасиз, молиявий манбалари аниқ-тинч бўлган мақсад ва вазифалар эканини кўрсатади.

Биргина ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишига қўмаклашиш йўналишида бажарилаётган ишларнинг ўзиёқ кишида ҳайрат уйғотади. Масалан, илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишидаги тўғаракларга қатнаши учун ёшларга 6 ой давомида 300 минг сўмдан тўланиши белгиланмоқда. Тўғарак аъзоларига агар ушбу йўналишлар бўйича маҳаллий олимпиадаларда қатнашса, 1 миллион 200 минг сўмдан, нуфузли халқаро олимпиадаларда иштирок этса, 12 миллион сўмдан маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда. Бунга айни пайтда ниҳоятда муҳим ва ўз вақтида белгиланган чора-тадбир деб аташ



мумкин. Чунки ёшлар орасида қобилиятли ва истеъдодлилари жуда кўп. Улар халқаро танловларда дунё ёшларига қараганда бемалол беллаша олади. Лекин ҳаммасининг ҳам бошқа ҳудуд ёки мамлакатга бориб қолгани, олимпиадаларда иштирок этишга имконияти ёки ҳомийси йўқ. Белгилаб берилаётган бу чора-тадбирлар ана шу масалага оқилона ва одилона ечим бўла олади.

Ёшларга касб-хунар ўргатиш, бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энди техникумларга қабул бир йилда икки марта ташкил этилади. Бу борадаги давлат грантлари икки баробар оширилди. Таълим кредити учун молиявий ресурслар ажратилади. Ёшлар билан ишлаш бўйича жорий қилинган янги тизим асосида 8 миллиондан зиёд йигит-қизни қамраб

олган “Ёшлар баланси” шакллантирилаётган катта аҳамиятга эга.

Энг муҳими, мамлакатимизда ўғил-қизларнинг қизиқиши, касб-хунарга мойиллиги, маълумоти, ижтимоий аҳоли ва муаммоларидан тўлақонли хабардор бўлишга қаратилган тизим яратилди. Маълумотларга қараганда, жорий йилда 404 минг йигит-қиз ўрта таълимни, 151 минг нафари эса профессионал таълим муассасасини битириб, меҳнат бозорига кириб қолди.

Тантанали маросимда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Бу борада маҳаллалардаги 6 миллиондан зиёд ўғил-қизнинг, айниқса, уюшмаган ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш бўйича Беш ташаббус олимпиадаси йўлга қўйилган эди. Давлатимиз раҳбари энди ана шу олимпиадани ҳар йили икки маротаба ўтказиш тақдирини билдирди. Бу ташаббусни йигит-қизлар қизгин кутиб олди.

Ўғил-қизларнинг бўш вақтини фойдали машғулот билан банд қилишга қаратилган ташаббуслар “Барқамол авлод” болалар мактаблари ўқувчиларини қўллаб-қувватлаш, истеъдоди ва қобилиятини рўёбга чиқариш ҳамда рағбатлантиришда ҳам муҳим ўрин тутди. Бизнинг галдаги вазифамиз тўғараклар сони ва сифатини ошириш, мактабларимиздаги ўқувчилар қамровини янада қўлайитириш, ёш истеъдодлиларга муносиб шарт-шароит яратиб беришдан иборат.

Мазкур ишларга маҳаллий ҳокимлар ҳам масъул этиб белгиланган. Бу борада айни пайтда сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Яқинда Сирдарё вилоятида қулай ва замонавий шарт-шароитларга эга, мухташам “Барқамол авлод” болалар мактаби фойдаланишга топширилди. Энди мамлакатимизнинг барча ҳудудида ана шундай муассасалар бунёд этилади. Бугун тўғаракларимизга 260 минг 234 нафар ёш қамраб олинган. Албатта, бу сўнгги марра эмас.

Қилинаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Яқинда “Барқамол авлод” болалар мактабларидаги иқтидорли ўқувчилар базаси шакллантирилди. Уларнинг сони ҳозиргача 1 минг 45 нафарга етди. Шундан 143 нафари халқаро олимпиада ва танловларда, 902 нафари республика миқёсидаги мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган. Жумладан, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидagi Республика “Барқамол авлод” болалар мактаби томонидан шу йилнинг дастлабки ярмида ўндан зиёд кўрик-танлов ва мусобақа ташкил этилди.

“Барқамол авлод” мактаблари зиммасидаги вазифалар қўлами бугунги кунда янада ошгани сир эмас. Мақсадимиз болаларнинг бўш вақтини фойдали ишларга йўналтириш, иқтидорли ўғил-қизларга қўмаклашиш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, ижод қилиши учун қулай шарт-шароит ва имконият яратишдан иборат.



САМАРҚАНДГА БОРСАМ МЕН АГАР...

**Сайёра ТҶИЧИЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси, шоира**

Шарқ кўзмунчоғи

Араб сайёҳи ибн Баттута “Мағрибдан Машриққача бўлган бутун сарзаминни кезсангиз-да, Самарқанддан гўзалроқ ўлкани топпаймасизлар”, деб ёзган эди. “Дунё кўзини Самарқандда очган ёхуд дунёнинг кўзини Самарқанд очган”, деган қадимги ибора ҳам беҳиз пайдо бўлмаган. Унинг бой ва шарафли тарихи ана шундай ибора юзага келишига сабаб бўлган, эҳтимол.

Манбаларда келтирилишича, XIV–XV асрларда Самарқанд ва унда юзага келган муҳит Туроннинг улғу даҳолари учун ўзига хос ижодий лаборатория вазифасини ўтаган. Бу ерда инсоният маданияти тарихидаги энг нодир ҳодиса Ренессанс — Ҳайомиш жараёни юзага келган. Айнан шу даврда бутун инсоният тараққиётга хизмат қилган бебаҳо асарлар яратилган. Бу жараён кўш каби порлаб, кейинчалик Шарқ ва Ғарб мамлакатларига ўтган.

Бу музаффар юрт ҳадис илмининг султони Имом Бухорий, “Мотуридия” калом мактаби асосчиси Имом Мотуридий, Силсилаи олийга мансуб Ҳазрат Хожа Аҳрор Валий, авлиё Қусам ибн Аббос, буюк Соҳибқирон Темур Қўрагон, Мирзо Улуғбек каби қўллаб аллома ва ҳукмдорлар юрти саналади.

Устози аввал китоб

“Маънавият қарвони” мизнинг навбатдаги манзили она юртимизнинг фахру ифтихори Самарқанд вилоятига бўлди. Сафаримиз “Янги Ўзбекистон — инсон қадри улуғланган юрт” шиори остида ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирлар доирасида Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ўтказилган “Ўзбекистон Қарамонлари” китобининг тақдироти билан

МАЪНАВИЯТ ҚАРВОНИ



рағбат беради. Зотан, миллий мусиқа, бахшичилик, ҳунармандчилик, қаштачилик, зардўзлик, миллий рақс санъатимизни халқро саҳналарга олиб чиқиш, жаҳон аро эътирофга сазовор қилишнинг ўзи катта воқеадир. Биз ўз беназир санъатимизни келажак авлодларга бекам кул етказишимиз керак”.

Ўзбекистон Қарамонлари Ҳасан Нормуродовнинг қизи Дилфузахон Нормуродовнинг қалб сўзларини тинглаб, шундай фикрлар хаёлимга келди: “Қарамонлик камтарлик, самимийлик ва беғуборликдан бошланса керак. Ҳасан ака нафақат юртимизнинг обрўли оқсоқли, балки ниятда билимдон инсон эди. Вилоят аҳолиси беш миллионга яқинлашяпти, Самарқанд шаҳри аҳоли-

сида Ҳасан аканинг беғараз иштироки, муносабати бўлган. Халқнинг дарди оқсоқолнинг ҳаёт мазмунини эди”.

Ўзбекистон Қарамонлари Аваз Эргашевнинг набираси, Қўшработ тумани 9-умумтаълим мактаби тарбияotchиси Дўстмурод Абдуллаевнинг дил изҳорларида эса инсон қадрининг эъзозлашишдан мамнунлики, бобосининг фидойи меҳнатига самарқандликларнинг ҳурмати эъзозини кўрди.

Буюк мутафаккиримиз Хожа Аҳрор Валий ҳазратлари айтган “Улуғланган одам улугдир, улугланган одам ундан ҳам улугдир”, деган сўзнинг ҳикмати шу бўлса керак.

Мурғак юракларга инган ҳикмат ёғдулари

Самарқанд шаҳридаги 36-мактабгача таълим ташкилотига ўтказилган “Зукко болажон” фотоальбоми тақдироти мактабгача таълим ислохотларининг яна бир ёрқин қўрилиши бўлди. Маълумки, кейинги беш йилда мамлакатимизда боғчалар сони 5 мингтадан 28 мингга қўлайди, мактабгача таълим ташкилотларига болаларни қамраб олиш коэффициенти 708 мингтадан 1 миллион 800 мингга, яъни 27 фоиздан 67 фоизга етказилди. Ҳаракатлар стратегиясининг ислохотлари нодавлат сектор — оилавий боғчалар, давлат-хусусий шериклик асосидаги боғчалар, мобил боғчаларни ташкил этишга йўл очди.

Сафардош ҳамроҳимиз, педагогика фанлари доктори, профессор Зухра Исмоилованинг айтишича, болани 3-4 ёшидан оқиб китоб ўқишга ўргатиш керак. Дунёда 95 фоиз одам дақиқасига 210 сўз ёки 2 дақиқада бир ярим саҳифа китоб ўқийди ва бу кўнিকা боланинг барча манбаларни 5 ёшгача қабул қилиши, бу ёшдаги болалар учун қўлай ва осон ўзлаштириладиган манбаларни етказишга боғлиқ.

Мактабгача таълим вазири маслаҳатчиси Камола Рискүлова мактабгача таълимнинг муқобил мобил турлари

ҳақида фахрланиб шундай дейди: “Олис ҳудудларда яшовчи болажонлар учун маҳаллаларда икки соатлик машғулотлар ўтказишни йўлга қўйдик. Масалан, ўтган йили 44 та маҳаллада 1536 нафар болажон билан машғулот ўтказдик. Марказий Осиёда ягона 150 ўринга эга “Имкон” реабилитация марказига эга кўптармоқли мактабгача таълим ташкилоти Қорақалпоғистонда иш бошлади, кейингиси Қарши шаҳрида фаолият кўрсатади”.

Дарҳақиқат, инсон қадри тамойилига асосланган тезкор янгиланишлар оналарнинг бебаҳо суянчиқлари — фарзандларнинг мурғак юракларига тафаккур, ҳикмат олиб кирмоқда.

Тафаккур чироқлари

Китоб ўқимаган одам фикрлашдан тўхтайдиган, фикрламаган инсон ҳаётдан орқада қолади. Китобхонлик ва мутлола танловларида самарқандлик иқтидорли ёшлар — Зулфия номдаги Давлат мукофоти совриндорлари Мохинисо Шомуродова, Махлиё Уроқованинг, “Китобхон оила” республика танлови совриндорлари Сухроб Омонкулов, Дилроҳ Неъматованинг мумтоз ва замонавий адабиёт вакиллари асарларига берган аниқ, сермазмун эътирофларига ғувоҳ бўлган эдик.

Самарқанд шаҳар Дўстлик маҳалласи кутубонасининг очилиш маросимида рус, поляк, озар, турк, тожик миллий маданият марказлари раҳбарлари, турли конфессия, турли миллат ва дин вакиллари билан юртимиздаги китобхонлик ва мутлола сиёсатига фахр билан баҳо берганида қалбимиз гуруҳ-ифтихор туйғуларига тўлди. Айниқса, корейс миллий маданият маркази раҳбари Николай Ким томонидан ўзбек тилида ўқилган шеър китобхонлар томонидан олқишлар билан кутиб олинди.

Пайриқилик шоира Яхшигул Хидированинг Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган эса сўзга, адабиётга бўлган меҳрнинг эътирофига айланди.

Элда азиз ҳунармандлар

Бу гўшада Самарқанд кулполчилик мактабининг асосчиси уста Умар Жўрақуловни танимаган одам йўқ. Меҳроҳ Бобомуродов эса мана шу мактабнинг тўртинчи авлоди, Ўзбекистон халқ устаси Холмуҳаммад Исматуллаевнинг фарзанди. Мутахассислиги иқтисодчи бўлса-да, ота касбини улугўлаб, “Мароқанд” кулполчилик устахонасига раҳбарлик қилади, шоғирдлари бисёр.

Саккиз ёшдан бошлаб отасининг устахонасида лаган, қуза, обдаста, коса, пиёла, гулдон, чойнак каби буюмларнинг яратилишини синчковлик билан кузатиб борган. Уста элақдан ўтказилган машҳур Кониғил тупроғини Зарафшон дарёсининг суви билан аралаштириб, пишитиб, маълум бир вақт дамлатиб қўяди. Сўнг махсус дастохларда шакл бериб, офтобда қўритиб, 850-900 даражадаги ҳароратда пишириб олади ва

унга керакли нақшни туширади. Бундай узоқ ва машаққатли жараён “Сабуру қаюнат — ҳунармандлар меҳнатининг самарасидир”, деган ўғитни ёдга солиди. Кулполчилик буюмларидаги суратлар ва нақшлар нафақат безак, балки унга ўзига хос маъно бахш этишига амин бўлди. Қўхна Афросиёб, Регистон Шердор манзаралари, анор, кийик, дарахтлар, афсонавий ҳайвонлар, ҳумо қуши, от, шер тасвири туширилган кўзалар ноёб санъат маҳсули сифатида ҳайратга солади, қувонтиради.

Танишув асносида Меҳроҳ устанинг дил изҳорларига қулоқ бердик: “Устозларим Ўзбекистон Бадий академияси аъзолари Худойберди Ҳақбердиев, Шариф Азимов ва отамдан ўрганганларим касбимни мукаммал ўзлаштиришимга ёрдам берди. Россия, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон, Қозғистонда бўлиб ўтган халқро ҳунармандлар фестивалларининг ғолиби бўлдим. Бугунги кунда ўғлим Темур ва Мухаммадин ҳам шоғирдларим қаторида янги маҳсулотларимга эскизлар, нақшлар излаб топади. Биз Самарқанд археология илмий-текшириш институти билан ҳамкорликда Афросиёб тепаликларида топишган уй-рўзгор буюмлари, темирвийлар даврига доир топишмаларни қайта ишлаш билан ҳам шуғулланамиз. Яна бир савобли ишимиз — Самарқанд шаҳридаги мактабгача таълим ташкилотлари болаларига кулполчилик бўйича маҳорат дарсларини ўтадим. Айниқса, аутизм — эшитишда нуқсонли бор болаларнинг ўттиз нафарига кўча семинар машғулотларини ташкил этганмиз. Самарқанд туманидаги 53-мактаб ўқувчилари Мафтуна Яхёева, Илҳом Бобомуродов сингари зийрак болалар ясаган буюмлар кишига алоҳида сурур бахш этади”.

Донги кетган Кониғил тупроғи, Зарафшон оби раҳмати ва завқли меҳнати билан ҳақиқий санъат асарлари яратётган уста-шоғирд анъаналарига разм солиб, инсон тафаккури, меҳнати мўъжизалар яратётганини ҳайрат билан кузатдик. Ота-боболаримиз “Ун

Дийдор ва кўнгил суҳбатларимиз туман марказидан 150 километр узоқликда, Нурота тоғ тизмалари ёнбошида жойлашган Мойбўлоқ, Тарнов, Ёнбош, Андоқсой, Себустон маҳаллаларида давом этди. 92 ёшли Холдорбобо Қаршиевнинг тоғликларга хос содда суҳбатларидан кўнгил яйрайди:

— Маҳалламизга, ҳовлимизга шу пайтгача фақат ойнаи жаҳонда кўраётган санъаткорларимиз келиб қўшиқ айтишганидан чунонам хурсанд бўлдим-эй, шунча яшаб биз томонларда бундай концертларни кўрмаганман... Биз лалми ерларимизда узумнинг сояки, кунани, ошўзум, ҳусайни, келинбармоқ, қорақошмиш навларини етиштирамиз. Болаларим билан озорқ нўхат ҳам эканмиз. Хуллас, умримизнинг безаги — ҳалол меҳнат. Бугунги концертлар мана шу меҳнатга катта рағбат, қайфиятимизга қайфият қўшади-да.

Мойбўлоқ қишлоғидан Улуғхон момо Йўлдошева 97 ёшда, тўққиз фарзанди олий маълумотли, етмиш олти набираси эл хизматида, ўттиз олти абираси камолга етмоқда. Ўзбек Миллий академик драма театри актери Фаррух Ботиров — момонинг набираси. Буви ва набира биргаликда Фозил Йўлдош дostonларидан термаларни навбатма-навбат айтишига, туман маданият бўлими ходими Нусратилло Шодиевнинг доирани қойилмақом чертиб қуйлашига қараб туриб сурурланади одам.

Тумандаги 13-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Муштарийбону Ибрагимованинг шеърли машқлари, 43-мактабнинг 4-синф ўқувчиси, ўн ёшли Жасурбек Сафаров ижросидаги мақом, катта ашулалар ўзбек адабиёти ва санъатига янги истеъдодлар, гулгунчалар кириб келаятганидан дарак беради.

Юлдузни кўрай деб келдим бағринга...

Карвонимиз сафида Ўзбекистон халқ артистлари Аваз Ражабов, Замира Суёнова, хизмат кўрсатган артистлар Гулбаҳор Эркулова, Дилфуза



бошланди. Мазкур китоб мустақиллик йилларида юртимиз равнақи йўлида фидойилик билан меҳнат қилган 103 нафар замондошмизнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилади. Улар орасида янги ихтиролари, сермазмун ижоди, ибратли меҳнат фаолияти элу улуснинг меҳрини қозongan тўққиз нафар самарқандлик юртдошимиз ҳам бор.

Китобни варақлар экансиз, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Испом Каримов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, таниқли олимлар Суйима Ғаниева, Озод Шарафиддинов, халқ артисти Зикир Мухаммаджонов, машҳур пахтакор Лола Муротова қабила ҳақидаги сатрлар яқин ўтмишда мазмунли фаолияти билан элга ибрат бўлган инсонларни кўз олдингизда намоян қилади.

Тақдирот иштирокчиси Ўзбекистон Қарамонлари, халқ артисти Муножат Йўлчиева шундай дейди: “Мустақиллик йилларида, ҳозирги адолатли, шиддатли ислохотлар жараёнига виждонан ҳисса қўшаётган ҳар бир замондошимиз қарамондир. Давлатимиз раҳбари томонидан миллий мақома, ўзбек мумтоз санъатига берилган катта эътибор янги ижод намуналарини яратишимизга

си бир миллиондан ошади. Ҳасан Нормуродовнинг ҳар куни мана шу инсонларнинг дарди, ташвиши, орзуларига ҳамоҳанг тарзда, ҳаммага бирдек елка тутуш билан ўтди. Қайси маҳаллага сув керак, газ керак, тўй-ҳашаму хашар бор, ажрим бор, яхши-ёмон кун бор, ҳамма-



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-764.
82285 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Махмудов
Мусахҳис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 22:35 Топширилди — 23:00